

**“Агробанк” АТБ тизимида Конверсион амалиётлар бўлими ҳамда
Валюта айирбошлаш шахобчалари бўйича маълумотлар**

Т/Р	Савол	Жавоб
1.	“Агробанк” АТБ тизимида конверсион операциялар қайси халқаро тўлов картаси бўйича фаолият олиб борилади?	“VISA ELECTRON” халқаро тўлов картаси бўйича фаолият олиб боради.
2.	Жисмоний шахслар чет эл валютасини нақдсиз кўринишида сотиб олишлари учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?	Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олишлари учун шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар: (<i>паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, ҳарбий гувоҳнома</i>) исталган банкнинг шахсий пластик картасидаги етарли миқдорда миллий валютаси.
3.	Жисмоний шахслар учун халқаро тўлов картаси тақдим этиш тўлови миқдори қанча?	Жисмоний шахсларга халқаро тўлов картасини тақдим этиш тўлови “Агробанк” АТБ таърифига асосан 100 000 сўмни ташкил этади.
4.	Жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов картаси йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли қайта тақдим этилиш тўлови қанча?	Жисмоний шахслар томонидан халқаро тўлов картаси йўқотилган ва яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли қайта тақдим этилиш тўлови 100 000 сўмни ташкил этади.
5.	Халқаро тўлов картаси орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида нақд хорижий валюта берилиши комиссия тўлови миқдори қанча?	Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида нақд хорижий валюта берилиши комиссия тўлови 1 фоиз миқдорида белгиланган.
6.	Халқаро тўлов картаси орқали савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида товар ва хизматлар тўлови учун ҳисоб-китоблар комиссия тўлов миқдори қанча?	Савдо ва хизмат кўрсатиш жойларида товар ва хизматлар тўлови миқдорининг 0.5 фоизи миқдорида, камида 1 АҚШ доллар.

7.	Халқаро тўлов картаси суғурта депозити қанча?	Халқаро тўлов картаси суғурта депозити 2000 АҚШ долларигача 100 АҚШ доллари, 2000 АҚШ долларидан бошлаб 3% миқдорида.
8.	Муддати келмаган халқаро тўлов картасини ёпиш тўлови миқдори қанча?	Муддати келмаган халқаро тўлов картасини ёпиш тўлови миқдори 100 000 сўм.
9.	Халқаро тўлов картасининг амал қилиш муддати қанчага белгиланади?	Халқаро тўлов картасининг амал қилиш муддати 3 йилга белгиланади?
10.	Агробанк АТБ филиалларида ташкил этилган Конверсион бўлимларнинг миждозларга хизмат кўрсатиш вақти қандай белгиланган?	Конверсион бўлимларнинг миждозларга хизмат кўрсатиш вақти 9:00 дан 17:00 гача белгиланган.
11.	Конверсион бўлимлар орқали сотиб олинган чет эл валютаси ҳисоб-китоб фактураси (invoice) орқали ўқиш, даволаниш ҳамда бошқа тўловлар учун чет эл муассасаси ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкинми?	Ҳисоб шартномалари ҳамда ҳисоб-китоб фактураси (invoice) ва бошқа тегишли ҳужжатларга асосан ўтказиб берилиши мумкин.
12.	Мижознинг талабига биноан халқаро тўлов картасининг ҳисобварағи ҳаракатини тўхтатиш (стоп лист) тўлови қанча?	Мижознинг талабига биноан халқаро тўлов картасининг ҳисобварағи ҳаракатини тўхтатиш (стоп лист) тўлови 100 000 сўм миқдорида.
13.	Норезидент жисмоний шахслардан чет эл валютасини валюта айирбошлаш шохобчалари орқали сотиб олиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?	Норезидент жисмоний шахслар нақд чет эл валютасини сотиб олишлари учун 09002-қатий ҳисобда турувчи бланканинг биринчи нусхаси ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат паспорт, божхона декларацияси ёки банкамат чекини тақдим этиш талаб этилади.
14.	Жисмоний шахслар нақд чет эл	Резидент жисмоний шахсларга чет

	валютаcини cотиб олишлари мумкинми?	эл валютаcини cотиш амалиёти фақат нақдсиз кўринишда VISA ELECTRON халқаро тўлов картасига тушириб бериш орқали амалга оширилади.
15.	Валюта айирбошлаш шохобчалари томонидан ҳақиқийлиги шубҳа туғдирган хорижий валюта банкноталарини детектор орқали текширувдан ўтказиш тўлови қанча?	<p>- 20 000 миқдоргача бўлган хорижий валюта банкнотасининг (АҚШ доллари, ЕВРО, Англия фунт стрелинги, Япония йенаси) ҳар бир 100 бирлиги миқдориға 1500 сўм.</p> <p>- 20 000 дан 50 000 миқдоргача бўлган хорижий валюта банкнотасининг (АҚШ доллари, ЕВРО, Англия фунт стрелинги, Япония йенаси) ҳар бир 100 бирлиги миқдориға 1250 сўм.</p> <p>- 50 000 дан юқори миқдоргача бўлган хорижий валюта банкнотасининг (АҚШ доллари, ЕВРО, Англия фунт стрелинги, Япония йенаси) ҳар бир 100 бирлиги миқдориға 1000 сўм.</p> <p>- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларға (Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва шу кабилар) уларнинг хизмат заруриятидан келиб чиқиб бепул.</p>
16.	Валюта айирбошлаш шохобчалари орқали Хорижий давлатнинг шикастланган пул белгиларини алмаштириш тўлови қанча?	Хорижий давлатнинг шикастланган пул белгиларини алмаштириш умумий миқдордан купюранинг шикастланган ҳолатига қараб 10 фоиздан 30 фоизгача (камида 165 000 сўм).